

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2022 йил 8 февраль куни Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси суд биносида, очик суд мажлисида,
раислик қилувчи: Д.Ражабов,

судлов ҳайъати судьялари: М.Юсупов ва Ғ.Амоновдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Д.Норкуловнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим прокурори Х.Парпиев, судланган Ф.Мавланов, А.Батиров ва уларнинг адвокати Ж.Ризаев иштирокида, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туман судининг 2015 йил 13 май кунги ҳукми билан судланган [REDACTED] ва бошқаларга оид жиноят иши бўйича апелляция шикоятни бериш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномасини рад қилиш ҳақидаги ажримлари устидан адвокат Қ.Воҳидов томонидан апелляция тартибида берилган хусусий шикоятларига асосан иш ҳужжатлари апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2022 йил 14 январь кунги ажримларига кўра, жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2015 йил 13 май кунги ҳукми билан судланган Ф.Мавланов, А.Батиров ва бошқаларга оид жиноят иши бўйича апелляция шикоятни бериш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномалари шикоятни бериш муддатини ўтказиб юборишда узрли сабаб бўладиган ҳолат кўрсатилмаганлиги сабабли қаноатлантирилмасдан рад қилинган.

Адвокат Қ.Воҳидов хусусий шикоятларида, муқаддам Ф.Мавланов, А.Батиров ва бошқаларга оид жиноят иши бўйича 2016 йилда берилган кассация шикоятлари жиноят иш ҳужжатлари сўров хатга асосан Миробод туман прокуратурасига юборилганлиги важи билан тегишли тартибда расмийлаштирилмаганлиги, жиноят иш ҳужжатларининг 6 та жилди топилмаганлиги ҳақида хат юборилганлиги, шикоятга тегишли ҳужжатларни илова қилганлиги, суднинг ажримларини бекор қилиб, апелляция муддатини тиклаб шикоятларини суд мажлисида кўриб чиқишни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича судья Д.Ражабовнинг маърузасини, прокурор Х.Парпиевнинг шикоятларни қонуний ҳал қилиш ҳақидаги хулосасини, судланган Ф.Мавланов, А.Батиров ва унинг адвокати Ж.Ризаевни хусусий шикоятларни қаноатлантириш ҳақида берган фикрларини тинглаб, шикоятлардаги важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидагиларга асосан суд ажримларини



ўзгаришсиз, хусусий шикоятларни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497⁴-моддасига мувофиқ, апелляция шикояти ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида берилиши мумкин.

Белгиланган муддат ўтгандан кейин берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилади, бу ҳақда уларни берган шахсларга хабар қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497⁵-моддасига мувофиқ, ҳукм устидан шикоят бериш ёки протест билдириш муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган ҳолларда апелляция шикояти ёки протести бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳукм чиқарган судга муддатни тиклаш сўралган илтимоснома билан мурожаат қилиши мумкин. Зарур ҳолларда, бу масала илтимоснома берган шахснинг иштирокида ҳал қилинади.

Апелляция инстанцияси судлов ҳайъати биринчи инстанция суди томонидан апелляция шикояти бериш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномаларда шикоятни бериш муддатини узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилганлигини тасдиқловчи сабаблар кўрсатилмаганлиги муносабати билан шикоят бериш муддатини тиклаш учун етарли асослар йўқлиги учун илтимосномаларни рад қилиш ҳақида асосли хулосага келган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹¹, 497¹³, 497³¹, 497³⁴-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг [] кунги ҳукми билан судланган [] ва бошқаларга оид жиноят иши бўйича апелляция шикояти бериш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномаларини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги ажримлари ўзгаришсиз, хусусий шикоятлар эса қаноатлантирмасдан қолдирилсин.

Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг ажрими узил-кесил ҳисобланиб, унинг устидан шикоят (протест) берилишига йўл қўйилмайди.

Раислик қилувчи:	(имзо)	Д.Ражабов
Судлов ҳайъати судьялари:	(имзо)	М.Юсупов
	(имзо)	Ғ.Амонов

Ажрим аслига тўғри:

